

КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИДА ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ ЎРНИ

Махкамбаев К.А.

*“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти”
Миллий тадқиқот университети*

Аннотация: Мазкур мақолада корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятида операцион фаолиятнинг тутган ўрни очиб берилган. Маълум бир соҳани ривожлантиришида амалга ошириладиган ислохотларнинг “манзилли” бўлиши учун операцион фаолиятга такомиллашган таъриф ишлаб чиқиш масалалари баён қилинган.

Таянч сўзлар: молиявий-хўжалик фаолият, операцион фаолият, фаолият муштараклиги, муаммоли жиҳатлар, эришиладиган натижалар, ислохотларнинг манзиллиги.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектлар тармоқ нуқтаи-назаридан бир-биридан фарқ қилсада, бозор иқтисодиётини асосини ташкил этадиган манфаатга эришиш мақсади жиҳатидан жуда ўхшаш ҳисобланади.

1-расмдан кўришимиз мумкинки, корхоналар турли тармоқларда фаолият олиб борсада, юқори фойдага эришишга интилиш жиҳатдан уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятида мақсадлар муштараклигини кузатиш мумкин.



1-расм. Корхоналар молия-хўжалик фаолиятида мақсад ва фаолият муштараклиги.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида”ги 327-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 1.2-бандига асосан корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ҳамда бухгалтерия-молия, ҳисоб-китоб ва товарга илова ҳужжатларини юритиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш фаолияти **молия-хўжалик фаолияти** деб ҳисобланади¹.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғининг 4-иловасида келтирилган молиявий ҳисоботнинг 4-шакли “Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот” да корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятидаги пул киримини операцион, молиявий, инвестицион фаолиятларидан келадиган киримлар ташкил қилиши белгилаб қўйилган. Бунда корхоналар даромадининг асосий қисмини операцион фаолиятдан кўриладиган даромад ташкил қилади. Республикаимизнинг макроиқтисодий кўрсаткичларининг шаклланишига тармоқларда фаолият олиб бораётган корхоналар эришадиган молиявий натижалар муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун корхоналарнинг операцион фаолиятида эришилган ижобий молиявий натижалари ва уларнинг шаклланишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш бу борада олиб бориладиган тадқиқотларнинг асосини ташкил қилиши керак.

Маълумки, турли давлатлар томонидан маълум бир соҳани ривожлантириш учун ўша соҳага давлат субсидиялари ажартилиши мумкин, солиқ имтиёзлари, имтиёзли кредитлар ва бошқа энгилликлар берилиши кузатилади. Ушбу ҳолатда бериладиган имтиёзлар мақсадли фойдаланилиши ва айнан кўзда тутилган соҳани ривожлантиришга қаратилиши учун соҳада фаолият олиб борадиган хўжалик юритувчи субъектлар учун операцион фаолиятидан оладиган даромадининг минимал чегарасини белгилаб қўйилиши, табиий ҳолат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси амалиётида ҳам маълум бир соҳани ривожини учун ушбу соҳага иқтисодий энгилликлар берилганлиги, бунда ўша соҳадаги корхоналар асосий фаолиятидаги тушум учун минимал чегаралар белгиланганлигини кузатганмиз.

Масалан амалдаги солиқ кодексининг 483-моддаси 20-қисмида “чакана савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш), автотранспорт воситасида йўловчи ва юк ташиш, автотранспорт воситаларини таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер хизматларини, маиший техникани таъмирлаш, агро ва ветеринария хизматлари кўрсатувчи, шунингдек кўнгилочар марказларда хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари жами даромади

¹ <https://lex.uz/docs/307272>

таркибида асосий фаолият даромади 60% ни ташкил қилса 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди”.

Кодекснинг 483-модда 31-қисмида “чарм, мўйна, қоракўл хомашёсини ва жунни йиғиш ҳамда тайёрлаш, уларни қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобот (солиқ) даври яқунлари бўйича жами даромадининг умумий ҳажмида асосий фаолиятдан олинган даромадининг улуши 80 фоиздан кам бўлмаган солиқ тўловчиларга 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда ушбу фаолияти бўйича фойда солиғини, айланмадан олинган солиқни ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод этилиши белгилаб қўйилган”.

483-модда 36-қисмида “чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари асосий фаолиятдан олган даромадлари ҳисобот (солиқ) даври яқунлари бўйича жами даромадининг камида 90 фоизини ташкил этган солиқ тўловчилар 2023 йил 1 январдан эътиборан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда мазкур фаолият тури бўйича фойда солиғини (бундан фоизлар тарзидаги даромадлар мустасно) ва ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди”².

Ҳукуматимиз томонидан келажакда айрим соҳалар ривож учун маълум имтиёзлар берилиши мумкинлигини ва мазкур имтиёзларнинг манзилли бўлиши лозимлигини ҳисобга олиб, операция фаолиятга қўйидагича таъриф беришимиз мумкин:

“Операция фаолият – хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий фаолиятларнинг умумий таснифи бўйича инвестиция ва молиявий фаолиятдан ташқари ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, сотиш, хизмат кўрсатиш каби асосий даромад келтирувчи фаолият тури тушунилади”.

Ишлаб чиқилган ушбу таърифни илмий жиҳатдан қўйидагича изоҳлаш мумкин. Биринчидан, ишлаб чиқариш корхоналарининг бевосита функционал вазифаси, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни самарали амалга ошириш лозимлиги инобатга олинади. Иккинчидан, корхонанинг инвестицион ва инновацион ривожланиши корхона фаолият олиб борадиган соҳа ривож учун йўналтирилади. Учинчидан, соҳа ривож бўйича ҳукумат доирасида қабул қилинадиган қарорлар ижроси манзилли йўналтирилади ҳамда корхона имкониятлари ва қувватлари ҳам ушбу вазифани бажаришга қодир бўлишлиги таъминланади. Тўртинчидан, барча мавжуд имконият ва воситалардан мақсадга мувофиқ фойдалана оладиган етарли малакага эга бўлган мутахассислар ҳам мавжуд бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

² <https://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси сайтидан олинган.

1. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2024). ИШЧИЛАР ҚЎНИМСИЗЛИГИ ТАҲЛИЛИ. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 287–294. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3042>
2. Пардаевич, Қ. Б. (2023). Хўжалик юритувчи субъектларда операцион цикл таҳлилини ташкил этиш масалалари. *World Scientific Research Journal*, 16(1), 196-203.
3. Қличев, Б. П. (2022). Маҳсулот сотиш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. *Science and Education*, 3(5), 1719-1728.
4. Қличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. *Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*,13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>
5. Пардаевич, Қ. Б. (2023). Хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолиятида ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, 2, 2181-1016.
6. Қличев, Б. П. (2022). Ишбилармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш йўналишлари. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>
7. Махматқуллова Н.Г’. “Properties of borel sets” . “Innovation in technology and Science Education”, *Scientific journal*.2023. Vol.2.№14. P.169-175.
8. Ochilov, O. I. (2022). INVESTMENT QUALITY ANALYSIS IN BUSINESS ENTITIES. *Архив научных исследований*, 2(1).
9. Ochilov, O. (2022). ИНСОН КАПИТАЛИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ. *Архив научных исследований*, 2(1).
10. Ochilov, O. I. (2019). DEVELOPMENT OF METHODOLOGY FOR RECOGNIZING REVENUES FROM INVESTMENTS. In *Бухгалтерский учет, анализ и аудит: история, современность и перспективы развития* (pp. 96-99).
11. Ochilov, O. I. (2019). THEORETICAL BASES OF INVESTMENTS ACCOUNTING. In *БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ: ДОСТИЖЕНИЯ И НАУЧНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ XXI ВЕКА* (pp. 209-214).
12. Ochilov, O. I. (2018). METHODOLOGICAL ASPECTS OF FINANCIAL AND ECONOMIC PERFORMANCE ANALYSIS OF BUSINESS ENTITY. In *АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА, СТАТИСТИКИ И НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ* (pp. 26-34).
13. Юлдашев, Ж. А. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МИЖОЗЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ.

14. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlari. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 4 (2024), 754–759

15. Klichev Bakhtiyar Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 5(5), 241–248. Retrieved from <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906>

16. Kholdorov Sardor Umarovich. (2024). LIQUIDITY RISK MANAGEMENT IN THE BANKING SECTOR: CHALLENGES, STRATEGIES AND IMPLICATIONS. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 122–131. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3255>

17. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 86–94. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3251>

18. Qlichev, B. (2024). Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda operatsion faoliyat tahlilining zarurligi. Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari, Konferensiya to‘plami. Termiz, O'zbekiston. 15-iyun 2024-yil. <https://doi.org/10.5281/zenodo.11909171>

19. Yakyptaevich, I. J. ., Abrarovich, Y. J. ., Akhtamovich, H. S. ., & Bekmurodova. (2023). COMMERCIAL BANKING, CREDIT OPERATIONS, PROVISION OF COLLATERAL, ASSESSMENT MECHANISMS. *FAN, TA'LIM, MADANIYAT VA INNOVATSIYA JURNALI | JOURNAL OF SCIENCE, EDUCATION, CULTURE AND INNOVATION*, 2(4), 6–13. Retrieved from <https://mudarrisziyo.uz/index.php/innovatsiya/article/view/251>

20. Abdullayev, A., & Djamalov, H. (2023). ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF THE INTERNAL CONTROL SERVICE FOR THE FULFILLMENT OF TAX OBLIGATIONS OF ENTERPRISES. *Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology*, 8(4), 297-307.

21. Xudoyorov, O. O. (2023). Bank daromadlarini oshirishda masofaviy bank xizmatlarini tutgan o‘rni.

22. Odilovich, K. O. (2024). IMPACT OF REMOTE BANKING SERVICES ON BANK INCOME. *International Journal of Education, Social Science & Humanities*, 12(6), 82-86.

23. Majidov, J. K. (2019). Ways of improving management of credit portfolio at commercial banks. *International Journal of Research in Social Sciences*, 9(3), 725-736.

24. Мажидов Ж. (2024). Тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш бўйича хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. (2024). *Ustozlar Uchun*, 1(4), 1463-1467. <https://pedagoglar.org/index.php/02/article/view/3878>